

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАБОХУНОВА РОЗИЯХОН ШОДМОНОВНА

**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИДА
АКАДЕМИК АЗИЗ ҚАЮМОВ ИЛМИЙ МАКТАБИНИНГ ЎРНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Content of the abstract of dissertation on doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

Хабохунова Розияхон Шодмоновна

Ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилишида академик Азиз Қаяумов илмий
мактабининг ўрни3

Khabohunova Roziyaxon Shadmanovna

The significance and role of the scientific school of academician Aziz Kayumov in
the study of Uzbek classical literature26

Хабохунова Розияхон Шодмоновна

Значение и роль научной школы академика Азиза Каюмова в изучении
узбекской классической литературы48

Эълон қилинган ишлар рўйхати

List of published works

Список опубликованных работ 52

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХАБОХУНОВА РОЗИЯХОН ШОДМООНОВА

**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИДА
АКАДЕМИК АЗИЗ ҚАЮМОВ ИЛМий МАКТАБИНИНГ ЎРНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Fil136 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.tai.uz ҳамда “Ziyonet” ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жабборов Нурбой Абдулҳакимович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тўхлиев Боқижон
филология фанлари доктори, профессор

Қобилова Зебохон Бакировна
филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй. Тел: 0 (374) 223-88-14; факс: 0 (374) 223-88-30; e-mail; agsu_info@edu.uz).

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129-уй. Тел: 0 (374) 223-88-14).

Диссертация автореферати 2020 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «___» _____ даги «___» рақамли реестр баённомаси).

Ш.Х.Шаҳобиддинова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филол. ф.д., профессор

У.Э.Раҳимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш Илмий котиби, филол. ф.н., доцент

С.Р.Мирзаева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
филол. ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида муайян фан соҳаларида яратилган илмий мактабларнинг ўзига хос хусусиятлари, назарий тафаккур ривожига ўрни ва роли масалалари долзарб муаммолардан бири сифатида тадқиқ этиб келинмоқда. Чунки илмий мактаб яратган олимлар фаннинг маълум бир йўналишини тараққиётнинг янги босқичига юксалтиришга асос бўладиган илмий-назарий янгиликлар яратади. Илм-фанда ўзи яратган тадқиқотчилик йўлини давом эттирадиган, янги натижалар билан бойитадиган издошларни етиштиради. Ана шундай олимлар илмий-ижодий лабораториясининг хос хусусиятларини, манбани ўрганиш бўйича улар ишлаб чиққан тамойилларни ва мезонларни тадқиқ қилиш янги илмий-назарий хулосаларга олиб келиши ва фаннинг кейинги ривожига хизмат қилиши жиҳатидан долзарбдир.

Дунё адабиётшунослигида жаҳон адабий-эстетик тафаккури ривожига улкан ҳисса қўшган илмий мактаблар, уларга асос солган олимларнинг тадқиқот усуллари, эришилган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти сингари муҳим масалалар ўрганилиб келинмоқда. Ушбу йўналишдаги илмий тадқиқотларни бугунги кун талаблари даражасида қадимги ёзма ёдгорликлар, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти, адабиёт назарияси каби йўналишларда изчил давом эттириш замон талабидир.

Ўзбек адабиётшунослигида яратилган илмий мактаблар, уларнинг миллий адабий-эстетик тафаккур тақомилига таъсири юзасидан айрим илмий изланишлар олиб борилган. Бироқ алоҳида олимлар фаолиятини ўрганиш адабиётшунослик кун тартибида турибди. Жумладан, адабиётшуносликда мактаб яратган, наинки Республикамиз, балки халқаро миқёсда эътироф қозонган олим, академик Азиз Қаюмов илмий меросини махсус ўрганиш масаласи устувор вазифалардандир. Чунки “...ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўпқиррали бу мавзунини бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш... катта аҳамиятга эга”¹. Шу жиҳатдан, Азиз Қаюмов илмий меросининг назарий ва амалий аҳамияти ҳамда Алишер Навоий асарлари ва Кўкон адабий муҳитини ўрганишдаги илмий ёндашув мезонларини таҳлил этиш, олим яратган илмий мактабнинг миллий адабиётшунослик ривожига тутган ўрни ва ролини аниқлаш соҳа олдида турган долзарб масалалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари / Халқ сўзи. – Тошкент, 2018 йил, 8 август.

13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги Қарорлари, “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдевори” мавзусидаги маърузасида ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг амалдаги ижросига ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Адабиётшунослик соҳасидаги илмий мактаб муаммоси Ҳ.Болтабоев, Н.Жабборов, А.Улуғовлар томонидан ўрганилган². Академик Азиз Қаюмов илмий фаолиятининг ўрганилишини шартли равишда уч босқичга бўлиш мумкин:

- дастлабки илмий мақолалар (XX асрнинг 50-йиллари);
- олим илмий фаолиятининг жиддий тадқиқ этилиши даври (1960 йилдан 2010 йилгача);
- монографик тадқиқотлар яратилиши даври (2010 йилдан ҳозирги вақтгача).

Олим илмий фаолиятига доир ўтган асрнинг 50-йилларида эълон қилинган дастлабки тадқиқий мақолалар³ кўпроқ ахборот характерида эга экани билан ажралиб туради. Уларда олим илмий асарлари, уларнинг мавзу камрови ва йўналишлари ҳақида маълумот берилиб, қўйилган масала моҳиятига чуқур кирилмаган.

Азиз Қаюмов фаолиятининг жиддий тадқиқ этилиши XX асрнинг 60-йилларидан бошланган. Бу даврда нашр этилган тадқиқотларда олимнинг серқирра илмий фаолияти⁴, навоийшуносликка қўшган ҳиссаси⁵, Қўқон

² Болтабоев Ҳ. Профессор Фулом Каримовнинг Ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш илмий мактаби. Жабборов Н. Жадидчилик ва жадид адабиёти илмий мактаби. Улуғов А. Ўзбек адабий танқидчилиги илмий мактаби. /Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари.– Т.: Ўқитувчи НМИУ, 2008. – Б. 277-282; 283-291; 258-267

³ Узоков Ҳ. Талантли фан доктори // Совет мактаби, 1952, № 6. – Б. 62-67; Жўраева М. Шоир Махмур ҳақида янги илмий иш (А.Қаюмовнинг “Шарқ юлдузи” журналида босилган Махмур: янги топилган шеърлари асосида” номли асари ҳақида) / Тошкент ҳақиқати, 1954 йил 21 февраль.

⁴ Мамажонов С. Азиз Қаюмов // Ўзбек тили ва адабиёти. 1968. – № 5. – Б.73-75; Худойбердиев Э. Кўп қиррали олим // Шарқ юлдузи, 1968. – № 5. – Б.230-232; Мирвалиев С. Азиз Қаюмов: Муаммога оид бир рисолалар тўплами тўғрисида // Адабий мерос, 1990. – № 4. – Б.14-15; Абдусаматов Ҳ. Илм фидойиси: академик Азиз Қаюмов ҳақида // Адабиёт кўзгуси, 2002, 7-сон. – Б.211-216.

⁵ Каримов Ғ. Улуғ хазина ҳикматлари // Шарқ юлдузи, 1978. – № 2. – Б. 225-228; Ҳакимов М. Ёзувчи ҳам, олим ҳам ҳақ. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати.- 1985 йил 11 январь; Воҳидов Р. Садоқатда қойим аллома// Алишер Навоийнинг ижод мактаби: (Устозлар, сафдошлар, издошлар даврасида). – Бухоро: Бухоро, 1994.- Б.165-187; Ҳайитметов А. Забардаст навоийшунос // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. – № 5.- Б. 18-21.

адабий муҳитига ҳамда Фурқат адабий мероси таҳлиliga оид асарлари⁶ нисбатан чуқур тадқиқ қилинган, ўзбек адабиёти тарихига доир тадқиқотлари муносиб баҳоланган.

Олимнинг илмий асарларини монографик асосда ўрганиш 2010 йилдан бошланди. М.Имомназаровнинг “Академик Азизхон Қаюмов мактаби” монографиясида олим илмий фаолияти ва унга издошлик масалалари ҳақида фикр юритилган⁷. С.Ҳасановнинг “Академик Азиз Қаюмов “Асарлар” (10 жилд)ининг ахборий каталоги”⁸ китоби олим асарлар тўпламининг ўн жилдлиги ҳақида муфассал маълумот бериши баробарида асосий асарларининг илмий қимматига доир таҳлилий фикрлар берилгани жиҳатидан қимматлидир. О.Адизованинг олим тадқиқотларида биографик методнинг ўрнига доир диссертацияси⁹ Азиз Қаюмов илмий мероси тадқиқ этилган энг янги тадқиқот сифатида аҳамиятлидир.

Мазкур мақолалар, монографиялар ва диссертацияларда олим асарлари таҳлил этилиб, илмий баҳоланган бўлишига қарамай, Азиз Қаюмов илмий мактабининг ўзбек мумтоз адабиётини ўрганишдаги ўрни масаласи монографик асосда махсус тадқиқ этилмаган. Ушбу тадқиқот олим илмий мактабининг хос хусусиятлари, ўзбек адабиётшунослиги ривожида тутган ўрни масалаларини алоҳида тадқиқ этишга бағишлангани билан аввалги илмий ишлардан фарқ қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Академик Азиз Қаюмов илмий мактабининг ўзбек мумтоз адабиёти муаммоларини ўрганишда тутган ўрни, тадқиқот усуллари, мезонлари ва натижаларини илмий-назарий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“илмий мактаб” истилоҳи, унинг илмий-назарий асосларини ёритиш;
Азиз Қаюмов илмий мактабининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
олимнинг Алишер Навоий “Хамса”сига доир тадқиқотларининг навоийшуносликда тутган ўрнини далиллаш;

адабий манбани ўрганишнинг Азиз Қаюмов илмий фаолиятига хос усуллари таҳлил этиш;

⁶ Юсупов Ш. Фурқат ва ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг янги босқичи. Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 1990. – Б. 20-22; Жабборов Н. Фурқат асарларининг қўлёзма манбалари. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1994. – Б. 23-27; *шу муаллиф*. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2004. – Б. 25-32; Жўрабоев О. Р. Ҳазиний Хўқандий ҳаёти ва ижодий мероси. Филол. фан. ном. дисс. – Т., 2003; Жўрабоев О. Адабий муҳит ва тарихнинг ўзига хос тадқиқи. /Қайюмов П. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти. – Т.: Tamaddun, 2011. – Б. 3-9

⁷ Имомназаров М. Академик Азизхон Қаюмов мактаби. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2010. – Б.188.

⁸ Ҳасанов С. Академик Азиз Қаюмов “Асарлар” (10 жилд)ининг ахборий каталоги – Тошкент: Mumtoz so'z, 2014.

⁹ Адизова О. Адабиётшунос Азиз Қаюмов тадқиқотларида биографик методнинг ўрни. Филол. фан. фалсафа док... (PhD) дисс. – Тошкент, 2018. – Б. 130.

олимнинг Қўқон адабий муҳитига доир тадқиқотларини илмий баҳолаш; академик Азиз Қаюмов илмий мактабида издошлик масаласини асослаш;

тадқиқот натижаларини илмий-назарий умумлаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Азиз Қаюмов тадқиқотларининг дастлабки нашрлари ҳамда 2008-2010 йилларда нашр этилган ўн жилдлик “Асарлар” тўплами олинган.

Тадқиқотнинг предметини Азиз Қаюмов илмий мактабининг ўзига хос хусусиятлари, олимнинг тадқиқ усуллари, илмий лабораториясини ўрганиш масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-қиёсий, аналитик, герменевтик, биографик ҳамда социологик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

адабиётшуносликда илмий мактаб истилоҳининг янги илмий қарашлар муаллифи бўлган асосчи ва унинг ғоялари тадқиқотчиларнинг бир неча авлоди томонидан давом эттирилиши ҳамда янгиланиши зарурати сингари илмий-назарий хоссалари асосланган;

Алишер Навоий “Хамса”сига доир Азиз Қаюмов талқинларининг дostonлар муқаддималари таҳлили, ҳар бир дoston мазмунининг мухтасар шарҳи, образлар талқини, асосий ғоялар поэтик ифодасига оид қарашлар, қаҳрамонлар характер ва кечинмалари таҳлили, дostonлар умумсюжетида ҳикоят ва ҳикматлар ўрнининг баҳоланиши сингари илмий тамойиллар асосида бажарилгани далилланган;

олим тадқиқотларида мумтоз асарлар матнини илм аҳлига ва кенг оммага бирдай тушунарли тарзда шарҳлашга қаратилган герменевтик, манбага ижтимоий-тарихий аспектда ёндашув хусусиятидан келиб чиқувчи социологик ва Алишер Навоий асарларини буюк шоир ҳаёт йўли билан боғлиқ ҳолда ўрганишга асосланувчи биографик услуб етакчилик қилиши исботланган;

Қўқон адабий муҳитини ўрганишда Азиз Қаюмов илмий лабораториясининг илмий асарларини янги маълумотлар билан муттасил бойитиб, таҳрир қилиб, қайта ишлаб, мукаммаллаштириб бориш хусусияти ёритилган. Олим тадқиқотларининг илмий мактаб издошлари томонидан қадимги тошбитиклар тадқиқини такомиллаштириш, Алишер Навоий асарларининг илмий-танқидий матнларини яратиш, Амирий, Фурқат, Муқимий сингари Қўқон адабий муҳити намояндалари адабий меросининг қўлёзма манбалар асосида қайта баҳоланиши орқали тадрижий давом эттирилгани аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

олим илмий-ижодий лабораториясини ўрганиш натижасида Азиз Қаюмов илмий мактабининг ўзига хос хусусиятлари асосланган;

Азиз Қаюмов талқинлари Алишер Навоий “Хамса”си моҳиятини кенг халқ оммасига етказиш имкониятини оширгани исботланган;

Қўқон адабий муҳити манбаларини, етакчи намояндалари адабий меросини тадқиқ қилишда олим илмий мактабининг ўрни ёритиб берилган; олим илмий мактабининг давомчилари асарларининг таҳлили натижасида адабиётшуносликда эришилган натижаларнинг илмий асослари ва аҳамияти кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув усуллари ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг илмий методлар воситасида асослангани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани, адабиётшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илмий мактаб истилоҳининг назарий хоссалари, яъни янги илмий қарашлар муаллифи бўлган асосчининг мавжудлиги; олим ғояларининг давомчилари бўлиши; бу ғоялар илмий тадқиқотчиларнинг бир неча авлоди томонидан давом эттирилиши ва янгиланиши зарурати ҳақидаги назарий қарашларни бойитишида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек мумтоз адабиёти тарихи бўйича тадқиқотлар учун материал бера олиши, олий ўқув юртларининг “Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили)” таълим йўналишида “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Навоийшунослик”, “Адабиётшунослик (ўзбек адабиёти)” магистратура мутахассислигида “Адабиётшунослик тарихи” каби фанлардан маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтказишда, дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилишида Азиз Қажумов илмий мактабининг ўрни мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқот асосида олинган натижалар қуйидаги ишларда жорийланган:

адабиётшуносликда илмий мактаб истилоҳининг илмий-назарий хоссалари, яъни янги илмий қарашлар муаллифи бўлган асосчининг мавжудлиги; олим ғояларининг давомчилари бўлиши; бу ғоялар илмий тадқиқотчиларнинг бир неча авлоди томонидан давом эттирилиши ва янгиланиши заруратига доир илмий хулосалардан ҳамда Алишер Навоий “Хамса”сига доир олим талқинларининг дostonлар мукаддималари таҳлили, ҳар бир дoston мазмунининг мухтасар шарҳи, образлар талқини, асосий ғоялар поэтик ифодасига оид қарашлар, қаҳрамонлар характер ва кечинмалари таҳлили, дostonлар умумсюжетида ҳикоят ва ҳикматлар ўрнининг баҳоланиши сингари илмий тамойиллар асосида бажарилганига доир қарашлардан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетидаги А-1-118 рақамли “Навоий образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта

махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги 89-03-2778-сон маълумотномаси). Натижада Азиз Қаюмов илмий мактабининг хамсашуносликка доир тадқиқотлар такомилидаги ўрни, Алишер Навоий биографияси, лирик шеърлари, дostonлари, диний-тасаввуфий мавзудаги асарларини ўрганишдаги аҳамияти, олим тадқиқотларида герменевтик, социологик ва биографик методларнинг самарадорлик даражаси бўйича асосли илмий-назарий хулосалар чиқарилган;

Азиз Қаюмов тадқиқотларида мумтоз асарлар матнини илм аҳлига ва кенг оммага бирдай тушунарли тарзда шарҳлашга қаратилган герменевтик, манбага ижтимоий-тарихий аспектда ёндашув хусусиятидан келиб чиқувчи социологик ва Алишер Навоий асарларини буюк шоир ҳаёт йўли билан боғлиқ ҳолда ўрганишга асосланувчи биографик услуб етакчилик қилиши билан боғлиқ қарашлардан ҳамда Қўқон адабий муҳитини ўрганишда Азиз Қаюмов илмий лабораториясининг илмий асарларини янги маълумотлар билан муттасил бойитиб, таҳрир қилиб, қайта ишлаб, мукамаллаштириб боргани ҳақидаги илмий хулосалардан ижод мактабларидаги маҳорат дарсларида, шунингдек, Адабиётшунослик ва адабий танқид кенгаши томонидан ўтказилган ижодий семинарларда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 7 августдаги 01-03-05/700-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек мумтоз адабиётининг халқаро миқёсда ўрганалиши ва тарғиб этилишига, ижод мактабларида таҳсил олаётган ёшларда китобхонлик маданияти ошиши, уларнинг Алишер Навоий адабий мероси ва умуман, адабиёт ҳақидаги тасаввурлари кенгайиши ҳамда адабий-эстетик тафаккури ўсишига эришилган;

ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилишида академик Азиз Қаюмов ва илимий мактаб издошлари тадқиқотларининг ўрни бўйича олиб борилаётган тадқиқотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон-24” телерадиоканали ДУК “Турфа тақдирлар”, “Фикрлар майдони” эшиттиришларида ҳамда Алишер Навоий таваллудининг 579 йиллигига бағишланган кўрсатув ва эшиттиришларда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 11 августдаги 03-09-367-сон маълумотномаси). Натижада ёш истеъдодлар ва адабиёт мухлислари академик Азиз Қаюмов ва издошларининг қадимги адабий ёдгорликларга, Алишер Навоий ижодига, хамсашуносликка, Қўқон адабий муҳити ижодкорлари адабий меросига доир тадқиқотларидаги янги маълумотлар билан таништирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та халқаро, 4 та республика илмий-назарий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ҳар бири икки фаслни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 136 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг ўрганилганлик даражаси, мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, тадқиқот усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Азиз Қаюмов илмий мактабининг такомил босқичлари ва илмий мероси кўлами”** деб номланган 1-бобнинг *“Олим илмий мактабининг шаклланиш омиллари ва такомил”* деб номланган дастлабки фаслида академик Азиз Қаюмов илмий мактабининг шаклланиш омиллари ва адабиётшуносликда эришган натижалари тадқиқ қилинган. Фаннинг муайян йўналишида илмий мактаб яратилиши соҳага янги илмий қарашларни, тадқиқот объектига янгича ёндашув мезонларини, янги методларни олиб кириши жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга. Илмий мактабнинг яна бир эътиборга молик жиҳати, фаннинг маълум бир тармоғида тадқиқотчиларнинг бир неча авлодини шакллантиради. Муайян жабҳада бир-бирини тўлдирадиган янги илмий йўналишлар юзага келишига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, фанни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқади. XX асрнинг иккинчи ярми – XXI аср бошлари ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқида ривожланишга эришилгани жиҳатидан адабиётшунослик тарихида муҳим ўрин тутди. Бу даврда адабиётшунослик фан сифатида ривожланди, бу фаннинг назарий асосларига доир мавжуд қарашлар такомиллаштирилди, илмий мактаблар яратилди.

Илмий мактаб мавжуд бўлишининг асосий талаблари қуйидагилардир: 1) янги илмий қарашлар муаллифи бўлган олим-лидернинг мавжудлиги; 2) олим-лидер ғояларининг, хоҳ расмий илмий гуруҳ, хоҳ ихтиёрий бирлашган издошлардан иборат давомчилари бўлиши; 3) бу ғоялар илмий тадқиқотчиларнинг бир неча авлоди томонидан давом эттирилиши; 4) илмий мактаб ғояларининг издошлар тарафидан мустаҳкамланиши ва янгиланиши”¹⁰.

Фаннинг муайян соҳасида бир вақтнинг ўзида бир-бирини такрорламайдиган, аксинча бири иккинчисини тўлдирадиган бир нечта илмий мактаблар ҳам яратилиши мумкин. Бунга фан тарихида мисоллар кўп. “Профессор Ғулом Каримов 50-90-йиллар давомида Фитрат, Абдурахмон Саъдий бошлаб берган тадқиқот йўлини давом эттириш билан чекланмай,

¹⁰ Лебедев С.А. Философия науки: Словарь основных терминов. – М.: Академический проект, 2004. – С.35

атрофига ўндан ортиқ истеъдодли олимларни бирлаштира олди ва ўзбек мумтоз адабиётини махсус тадқиқ этувчи илмий мактабга асос солди”¹¹. Буни инкор этмаган ҳолда, таъкидлаш керакки, ўша даврда ўзбек мумтоз адабиёти бўйича яна бир илмий мактаб яратилган. Бу – академик Азиз Қаюмов илмий мактабидир.

Янги илмий қарашлар муаллифи бўлган олим-лидернинг мавжудлиги. Академик Азиз Қаюмов ана шундай олимлардан. Унинг олим-лидер даражасига етишиши, бизнингча, куйидаги омиллар билан боғлиқ: 1) оиладаги илмий-маърифий муҳит; 2) катта илмий доирага кириш имконияти; 3) рус ва жаҳон адабиётшунослиги ютуқлари билан танишув; 4) манбашунос олимлар муҳитининг таъсири. Азиз Қаюмовда илмга ҳавас эрта уйғонган. Олимнинг отаси Пўлатжон Қайюмий адабиётшунос олим, “Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти”¹² ҳамда “Тазкираи Қайюмий”¹³ асарлари муаллифи, бобоси Абдулқаюм мирзо эса атоқли хаттот бўлгани унинг илмдаги камолотида оиланинг таъсиридан далолат беради.

Рус тилини мукамал билиши, рус ва жаҳон адабиёти ҳамда адабиётшунослиги ютуқларидан чуқур хабардорлиги Азиз Қаюмовни илмий-бадий таржима соҳасига қўл уришга ундади. Олим Алишер Навоий ва мумтоз адабиётимизнинг бошқа намояндалари асарларини рус тилига таржима қилди, уларга таҳлилий сўзбоши ва изоҳлар ёзиб, халқаро миқёсда оммалашувиغا ҳисса қўшди. Жумладан, Динора Азимова билан ҳамкорликда Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Хамсат ул-мутаҳаййирин” “Муншаот”, “Назм ул-жавоҳир”, “Ҳайрат ул-аброр” каби асарларини рус тилига таржима қилди. Натижада ушбу асарларнинг дунё миқёсида ўрганилишига замин яратилди.

Азиз Қаюмов Ўрта Осиё давлат университети шарқ тиллари факультетида Убайдулла Каримов, Абдуқодир Ҳайитметов, Асомиддин Ўринбоев, Қавомиддин Муниров каби адабиётшунос, манбашунос олимлар билан бир вақтда таҳсил олган. Ўзбек мумтоз шеърини ва Шарқ адабиёти манбаларининг ҳам билимдони академик шоир Ғафур Ғулом билан яқин муносабатда бўлган. Ана шу манбашунос олимлар муҳити ва бу муҳитнинг ўз илмий фаолиятига таъсири ҳақида олим бир қанча рисоалар ёзди. Жумладан, 2001 йили “Навойдан нур олиб”, “Кўлёмалар хазинабони”, 2002 йили “Академик Ғафур Ғулом”, 2005 йили “Академик Убайдулла Каримов” сингари рисоалари чоп этилди. Ушбу рисоалар академик Азиз Қаюмов илмий мактабининг шаклланиш омиллари, такомил босқичлари ҳақида муайян тасаввур бериши жиҳатидан ҳам қимматлидир.

Олим-лидер гоёларининг издошчилари мавжудлиги ва бу гоёлар илмий тадқиқотчиларнинг бир неча авлоди томонидан давом эттирилиши. Ўзбек мумтоз адабиётига доир Азиз Қаюмов илмий мактаби ушбу талабга ҳам ҳар

¹¹ Болтабоев Ҳ. Профессор Ғулом Каримовнинг ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш илмий мактаби. / Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг илмий мактаблари. – Т.: “Ўқитувчи”, 2008. – Б.277.

¹² Қайюмов П. Хўқанд тарихи ва унинг адабиёти. – Т.: Tamaddun, 2011. – Б. 378.

¹³ Қайюмов П. Тазкираи Қайюмий. Уч жилдлик. Т.: Кўлёмалар институти, 1998. -Б. 712

жихатдан мувофиқ келади. Олим илмий мактабининг бу борадаги фаолияти куйидаги омиллар асосида юзага чиқади: 1) фан ташкилотчилиги соҳасидаги фаолиятнинг давомчиларни етиштиришдаги ўрни; 2) издошлар тарбиясига эътибор.

Азиз Қаюмов кўп йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг аввал Тил ва адабиёт, кейинчалик Қўлёзмалар институтларига раҳбарлик қилди. Ўзи қимматли илмий асарлар яратиш билан бирга, ўзбек адабиётшунослиги, адабий манбашунослиги ва матншунослиги ривожини учун муҳим бўлган тизимли илмий тадқиқот ишлари бажарилишини ташкил этди. Бу тадқиқотлар асосан уч йўналишга тегишли бўлгани маълум: 1) эски ёзма ёдгорликларнинг илмий нашрларини яратиш ва уларни чоп этириш; 2) навоийшунослик ривожини билан боғлиқ тадқиқотлар яратилиши; 3) ўзбек мумтоз адабиётини тадқиқ этишни кучайтириш.

Академик Азиз Қаюмов тадқиқотчиларнинг ёш авлодини тарбиялаш ишига ҳар доим катта эътибор билан қараган. Зеро, ҳар қандай илмий мактаб мавжудлигининг асосий шартларидан бири илмдаги анъаналарнинг издошлар томонидан давом этирилишидир. Бунинг натижасида қадимги ёзма ёдгорликларни ўрганиш соҳасига суғдшунос Отахўжа Азизхўжаев, ёзма обидалар тили бўйича Бахтиёр Абдушукуров, Қудратулла Омонов сингари ёш олимлар кириб келгани, улар бугун ана шу соҳанинг етакчи мутахассислари сифатида тадқиқотлар олиб бораётгани бунинг исботидир.

Олим илмий мактабининг асосий кўрсаткичлари куйидагилардан иборат: биринчидан, Азиз Қаюмов ва унинг издошлари энг қадимги даврга оид манбаларни тадқиқ қилиб, адабиётшунослик ривожига муносиб ҳисса қўшди. Олимнинг “Қадимият обидалари” асарида “Девону луғотит турк”, Урхун-Енисей обидалари сингари манбалар тадқиқ қилинди. Бу ёзма ёдгорликларнинг ҳозирги ўзбек тилидаги баёни амалга оширилди¹⁴. Бу асари орқали олим кўҳна адабий ёдгорликлардаги бадиий-тарихий матнлар моҳиятини илм аҳлига ва кенг оммага етказиш ишига катта ҳисса қўшди.

Кўкон адабий муҳитига доир олим анъаналари изчил давом этмоқда, янги манбалар илмий истифодага олиб кирилди, тадқиқотлар кўлами кенгайди, янгича илмий талқинлар илгари сурилди. Кўкон адабий муҳитини, етакчи намояндалари адабий меросини ўрганиш иши янги босқичга олиб чиқилди. Шариф Юсупов ва Нурбой Жабборовнинг Фурқат, Аҳмаджон Мадаминов ва Абдуллатиф Турдиалиевнинг Мухйи ва Завқий, Отабек Жўрабоевнинг Ҳазиний, Қўлдош Пардаевнинг Муқимий, Зебо Қобилованнинг Амирий ижодий мероси юзасидан олиб борган тадқиқотлари шулар жумласидандир.

Ушбу бобнинг “*Азиз Қаюмов илмий меросининг кўлами ва таснифи*” деб номланган иккинчи фаслида олим илмий меросини энг қадимги давр тошбитиклардан Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Сино адабий асарларигача, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур меросидан Кўкон адабий муҳитини ижодкорларигача, Зокиржон Фурқат шеърятидан ХХ

¹⁴ Қаюмов А. Қадимият обидалари / Асарлар. 10 жилдлик, 10-жилд. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2010. – Б. 4-148.

аср адабиётигача бўлган катта даврни қамраб олганлиги мисоллар асосида таҳлил этилган. Адабиётшунос олимлар ичида Азиз Қаюмов айти шу хусусияти – илмий фаолият қамровининг кенг экани билан алоҳида ажралиб туради. Олимнинг ўзбек адабиёти тарихига доир илмий-адабий асарларини қуйидаги тасниф асосида ўрганиш мумкин:

1. Қадимги давр адабиётига доир асарлар.
2. Амир Темур ва темурийлар даври адабиётининг тадқиқи.
3. Навоийшунослик йўналишидаги тадқиқотлар.
4. Бобур ва XVI аср адабиётига оид илмий ишлар.
5. Қўқон адабий муҳитининг ўрганилиши.
6. Алишер Навоий асарларидан қилинган таржималари.

Бундан ташқари, Азиз Қаюмов XX аср ўзбек адабиёти бўйича ҳам бир канча рисолалар, илмий мақолалар эълон қилган. Тадқиқот объектимиз олимнинг ўзбек мумтоз адабиётига доир илмий ишлари бўлгани боис замонавий адабиётга оид асарлар таҳлилидан чекланамиз. Юқоридаги тасниф, биринчидан, Азиз Қаюмов илмий асарлари қўламини нисбатан яққолроқ тасаввур этиш имконини берса, иккинчидан, уларни таҳлил этишда қулайлик туғдиради.

Тадқиқотнинг **“Алишер Навоий “Хамса”сини ўрганишнинг долзарб муаммолари ва Азиз Қаюмовнинг тадқиқ усуллари”** деб номланган иккинчи бобида Навоий “Хамса”сига доир олим талқинларининг асосий хусусиятлари ва тадқиқ усуллари ўрганилган. Бобнинг *“Алишер Навоий “Хамса”си Азиз Қаюмов талқинида”* деб номланган дастлабки фаслида Азиз Қаюмовнинг *“Садди Искандарий”* (1975), *“Етти саёҳатчи”* (1976), *“Ҳайратул-аброр” талқини* (1977), *““Фарход ва Ширин” сирлари”* (1979), *“Ишқ водийси чечаклари”* (1985) асарлари хамсашуносликда янги бир босқични бошлаб бергани асосланган. Бу мавзуга доир аввалги тадқиқотлар фақат илмий доира учун яратилган бўлса, Азиз Қаюмов асарлари илм аҳли ва кенг ўқувчилар оммаси қизиқишларига бирдай тўғри келади. Олим буюк Алишер Навоий “Хамса”сидаги асарлар ўтса ҳам эскирмайдиган ғояларни оммалаштириш мақсадини ўз олдига қўйди ва бунга тўлиқ муваффақ бўлди. Дилнавоз Юсупованинг *“Ўзбек мумтоз адабиёти (Алишер Навоий даври)”* ўқув қўлланмасида ва *“Навоийшунослик”* дарслигида буюк мутафаккир “Хамса”сини олий таълимда ўқитиш жараёнига татбиқ этилгани мазкур асарлардаги олим илмий қарашларининг амалий аҳамиятига далил бўлади¹⁵.

“Хамса” талқинларига оид Азиз Қаюмов тадқиқотларининг асосий хусусиятлари таҳлили уларда қуйидаги тамойиллар етакчилик қилишини кўрсатади: 1) дostonлар муқаддималари таҳлили; 2) дostonларнинг мухтасар мазмуни шарҳи; 3) образлар талқини; 4) дostonлардаги асосий ғоялар бадиий талқинига оид қарашлар; 5) қахрамонлар характер ва кечинмалари таҳлили; 6) дostonлар умумсюжетида ҳикоят ва ҳикматлар ўрнининг баҳоланиши.

¹⁵ Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти (Алишер Навоий даври). – Т.: Akademnashr, 2013; Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik. Darslik. – Toshkent, 2018.

“Хамса”га доир тадқиқотларида ўша давр мафкуриси йўл бермагани сабабли олим муқаддималар (ҳамд, наът, муножот қисмлари) таҳлилини четлаб ўтишга мажбур бўлган. Кейинчалик илмий асарларининг ўн жилдлигини тайёрлаш жараёнида бунга алоҳида диққат қаратилган. Жумладан, “Хайрат ул-аброр”нинг мумтоз Шарқ адабиёти анъаналарига биноан Тангрининг мақтови, унинг сифатлари таърифига аталган боблар билан бошланиши ҳақида сўз юритган олим бу боблар қуруқ тавсифдан иборат эмаслигига эътибор қаратади. Унинг фикрича: “Шоир бу қисмларда юксак бадиий ифодалар воситасида ўзининг дунё, унинг моҳияти, ҳаёт ва инсон тасаввури тўғрисидаги тасаввурини баён этади”¹⁶. Алишер Навоийнинг ҳамд, муножот ва наътларда ҳам ақл ва севги соҳиби бўлган инсон васфига алоҳида эътибор бериши олимнинг диққат марказида туради. Табиийки, муқаддима боблар таҳлилини янада чуқурлаштириш имкони бор эди. Лекин олим ўз олдида бошқа мақсад қўяди: “Хамса” муқаддималари моҳиятидан барчани – олимни ҳам, авомни ҳам, тажрибали ўқувчини ҳам, эндигина мутолаа майдонига кириб келаётган ёш авлодни ҳам хабардор этиш. Бошқа дostonлар муқаддималари таҳлили ҳам ана шу хусусияти билан қимматлидир.

Образлар талқинида ҳақида, жумладан, Азиз Қаюмовнинг қуйидаги фикри эътиборга молик: “Искандар мавзуида ёзилган дostonларни, албатта машҳур фотиҳнинг таржимаи холи ёки унинг юришлари хроникаси деб қараш мутлақо асоссиз ва хато фикрдир. Бу дostonлар шу машҳур шахс орқали ўша мутафаккир муаллифларнинг ўз ижтимоий-сиёсий, фалсафий, тарбиявий, эстетик қарашларини ифодаловчи асарлардир”¹⁷. Асар бош қаҳрамони образини тадқиқ қилар экан, олим персонаж характерини очишда, биринчидан, Алишер Навоий Искандарининг салафлари дostonларидаги тасвирдан фарқли жиҳатларини аниқлаган бўлса, иккинчидан, Искандарнинг Доро, Маллу, Фируз ва Чин ҳокони билан ўзаро мулоқотлари ҳамда муносабатларига алоҳида диққат қаратади. Бунда улар ўртасидаги воқеалар, номалар, диалоглар олим учун очқич вазифасини ўтаган. “Хамса” образлари, хусусан, буюк бешликдаги ошиқ-маъшук-рақиб трилогияси филология фанлари доктори Узоқ Жўрақулов томонидан хронотоп поэтикаси нуқтаи назаридан анча мукамал ўрганилди. Сифат жиҳатдан янги бўлган бу тадқиқот, табиийки, шу пайтга қадар хамсашуносликда эришилган илмий ютуқлар, жумладан, Азиз Қаюмов тадқиқотларидаги қарашларни ўрганиш ва такомилга етказиш асосида яратилди¹⁸. Профессор Боқижон Тўхлиев ва доцент Гулбаҳор Ашурова ўқув қўлланмасида академик Азиз Қаюмовнинг “Хамса” бўйича яратган илмий ишларидаги янгиликлар Алишер Навоий асарларини таълим тизимида ўрганиш жараёнига муваффақиятли татбиқ этилган¹⁹.

¹⁶ Қаюмов А. “Хайрат ул-аброр” талқини /Асарлар. Ўн жилдлик. I жилд, 1-китоб. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2008. – Б. 10.

¹⁷ Қаюмов А. Садди Искандарий /Асарлар. Ўн жилдлик. I жилд, 2-китоб. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2008. – Б. 252.

¹⁸ Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Тошкент: Turon-iqbol, 2017 – Б.260

¹⁹ Тўхлиев Б., Ашурова Г. Таълим босқичларида Алишер Навоий асарларини ўрганиш. Ўқув-методик қўлланма. – Т., 2017.

“Хамса” дostonларини тадқиқ қилар экан, олим ишқ мавзуининг бадиий талқини масаласини алоҳида текширади. Тасаввуфий талқинларни бутунлай инкор этмаган ҳолда буюк бешликда хослар ишқи куйланганини таъкидлайди. Олимнинг “Садди Искандарий” тадқиқотида Ватанга муҳаббат мавзуси алоҳида таҳлил этилган. Хуросон, Ҳирот, Мовароуннахр ва Самарқанд тасвири орқали Навоий Ватанга муҳаббат туйғусини бетакрор талқин қилганига алоҳида урғу берилган. Дostonда буюк шоир учун беҳад қадрли бўлган она юрт ва унинг табиати тасвири ўзаро уйғунлик касб этган. Жумладан, ҳазрат Навоийнинг:

Жинонваш Самарқанд мавжуд йўқ –

Ки, қилмиш бино они Искандар – ўқ –

байтини таҳлил этар экан, олим: “Шарқ тарихнавислигида улуғ шаҳарларнинг барпо этилишини Искандарга боғлаш анъанаси мавжуд бўлган. Навоий Самарқанд шаҳрининг барпо этилишини ҳам Искандарга нисбат беради... Ҳар ҳолда, Ҳирот, Самарқанд каби шаҳарларнинг қурилишини буюк Искандар билан боғлаш, у шаҳарларни улуғлаш ва шарафини ошириш ниятида қилингани муайянدير”²⁰, деб ёзади. “Садди Искандарий”даги ҳар бир воқеа тасвиридан сўнг келтирилган уни шарҳловчи, моҳиятини тушунишга ёрдам берувчи умумлашма ҳикоятларга хос хусусиятларни чуқур ўрганади. Азиз Қаюмовнинг “Хамса” дostonларига доир тадқиқотларида ҳар бешала дostonга хос адабий-эстетик хусусиятлар илмий-назарий жиҳатдан асосли таҳлил этилган.

Бобнинг “*Олимнинг адабий манбани тадқиқ қилиш усуллари*” деб номланган иккинчи фаслида муайян адабий манбани тадқиқ қилиш усуллари ўрганиш, биринчидан, бу катта тажрибага эга олимнинг тадқиқот объектига ёндашув мезонларини, тадқиқ усуллари ўрганиш имконини берса, иккинчидан, илмга кириб келаётган ёш изланувчиларнинг устоз олимлар илмий лабораториясига чуқур кириши, ундан сабоқ олишлари учун бениҳоя зарурлиги таҳлил этилган. Азиз Қаюмов тадқиқотларида бир вақтнинг ўзида бир неча илмий методлардан самарали фойдаланилиш ҳолати кузатилади. Олимнинг “Хамса” дostonларига доир беш тадқиқотида бу хусусият яққол намоён бўлган. Диссертацияда уч метод – герменевтик ва социологик методларнинг “Хамса” дostonлари тадқиқида тутган ўрни масаласига тўхталиб ўтилган. Дунё адабиётшунослигида герменевтика бўйича бир қанча тадқиқотлар амалга оширилган. Мазкур тадқиқотларда герменевтикага бутунни қисм асосида ва аксинча қисмни бутун асосида тушуниш²¹, ёзма манбаларни талқин қилиш, тушуниш санъати ҳақидаги таълимот²², тафаккур, тил ва сўз хусусиятларини англаш усули²³ тарзида турлича таъриф берилган. Герменевтика методи билан Ғарбда Инжил матнларини изоҳлаганларидек, бизда ҳам Қуръони карим оятларини тафсир

²⁰ Қаюмов А. Садди Искандарий /Асарлар. Ўн жилдлик. I жилд, 2-китоб. – Тошкент: Mumtoz so‘z, 2008. – Б. 318.

²¹ Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. – М., 1991. - С.8.

²² Шлейермахер Ф. Герменевтика. – СПб.: Европейский дом, 2004. -С.13

²³ Витгенштейн Л. Tractatus Logico-Philosophicus. Философские достижения. –Киев: Основы, 1995

ва таъвил қиладиган, ҳадиси шариф маъноларини изоҳлайдиган, мутафаккир аждодларимизнинг асарларини шарҳлайдиган муфассирлар, муҳаддислар, фақиҳлар илми азалдан шаклланиб, ривожланиб келган”²⁴ини таъкидлайди.

Мумтоз адабий манбаларни, жумладан буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарлари моҳиятини герменевтика (шарҳлаш, талқин этиш) воситасида кенг оммага тушунтириш XX аср охири – XXI аср бошлари навоийшунослигининг ютуғини таъминлаган асосий омиллардан бўлганини эътироф этиш керак. Академик Азиз Қаюмов тадқиқотлари ана шу жиҳатдан катта илмий-назарий аҳамиятга эга. Олимнинг “Девону луғотит турк”, Урхун-Енисей обидалари сингари манбалар тадқиқига бағишланган “Қадимият обидалари” асари ҳамда Алишер Навоий “Хамса”си тадқиқига бағишланган беш монографияси бу жиҳатдан алоҳида ажралиб туради.

Социологик метод, айниқса, олимнинг “Сабъаи сайёр” ва “Садди Искандарий” дostonларига доир тадқиқотларида яққол кўринади. Жумладан, “Етти саёҳатчи” тадқиқотида Азиз Қаюмов иккинчи мусофир ҳикоятидаги Рум подшоҳи саройидаги фитналар, зулму адоват ҳақидаги тасвирлар таҳлилидан кўйидаги хулосани чиқаради: “Бундай аҳвол Навоий яшаган замонда, хусусан, унинг ўзи мансуб бўлган шоҳ саройи муҳитига ҳам хос кўринишлар эди. Навоий бундай ҳолатни қоралайди; уларнинг тубан ва номуносиблигини кўрсатади. Шоир ўз ҳикояларини замона ва ундаги мавжуд шароит билан боғлаб боради”²⁵. Олимнинг бу қарашлари “Ҳаёт ҳақиқатининг бадий ҳақиқатга айланиш жараёни, характер ва прототип, тарихий шахс образи ва реал тарихий шахс муносабати каби ижод жараёни билан боғлиқ муаммоларни ўрганишда социологик ёндашув асос вазифасини ўташи”²⁶ ҳақидаги назарий хулосани тасдиқлайди.

Бадий ижод намунасини муаллиф шахсияти билан бир бутунликда ўрганишни кўзда тутувчи биографик метод илк бор француз олими Шарл Сент-Бёв томонидан илмий муомалага олиб кирилган²⁷ бўлса, ўзбек олимларидан биринчи бўлиб ушбу метод ҳақида асосли назарий фикрни Узок Жўрақулов билдирган²⁸. Алишер Навоий адабий меросига бу метод академик Азиз Қаюмов томонидан татбиқ этилган. Олим Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарини адабиётшуносликда илк бор биографик тадқиқ усулида ўрганган. Унинг бу борадаги қарашларини кўйидагича гуруҳлаштириш мумкин: 1) Алишер Навоийнинг оилавий муҳитига доир маълумотлар; 2) дўстлари ва яқинлари ҳақидаги қайдлар; 3) фазл аҳлига муносабати ифодаланган фикрлар.

Азиз Қаюмов “Насойим ул-муҳаббат”да Алишер Навоий отаси Гиёсиддин баҳодирга доир маълумотлар берганига алоҳида эътибор қаратади. Олимнинг таъкидича, буюк мутафаккир “Бу фақирнинг отасининг фуқаро аҳлига кўп иродат ва ихлоси бор эди”, деган сўзларига мисол

²⁴ Жабборов Ш. Герменевтика – тушунтириш илми. Т.: Akademiya, 2010, Б.154

²⁵ Қаюмов А. “Фарҳод ва Ширин” сирлари / Асарлар, I жилд, 1-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2008. – Б. 294.

²⁶ Куронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Академнашр, 2010. –Б. 283.

²⁷ Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. – М.: Художественная литература, 1970.

²⁸ Жўрақулов У. Биографик метод. /Худудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006

тариқасида Бобо Кўкий тўғрисидаги ҳикоятни келтирган. Олим “Насойим ул-муҳаббат”даги маълумотларни ўрганар экан, уларни “Мажолис ун-нафоис”даги қарашлар билан қиёсий таҳлил этади. Бошқача айтганда, Алишер Навоий мулоҳазаларини буюк мутафаккирнинг ўз фикрлари билан изоҳлайдики, бу ўз навбатида, асосли хулосалар чиқариш имконини берган.

Тадқиқотнинг “**Кўкон адабий муҳити Азиз Қаюмов талқинида**” деб номланган учинчи бобининг биринчи фасли “*Кўкон адабий муҳитининг XVIII - XIX асрлардаги тараққиётига доир илмий изланишларнинг хос хусусиятлари*” деб номланиб, ушбу фаслда Азиз Қаюмов тадқиқотлари бу мавзуда яратилган монографиялар²⁹, диссертациялар³⁰, илмий мақолалар фониди таҳлил қилинган. Олимнинг Кўкон адабий муҳити бўйича докторлик диссертацияси³¹ дастлаб 1961 йили монография сифатида босилиб чиққан. Адабиётшунос Зебо Қобилова эътирофича: “Бу давр адабиёти бўйича фундаментал тадқиқот академик Азиз Қаюмовнинг “Кўкон адабий муҳити” номли ишидир. Унда бу давр адабиёти намояндалари ижоди чуқур ва ҳар томонлама текширилганлиги боис у ҳозиргача асосий илмий манбалардан биридир”³². Кейинчалик олим тадқиқот матнини таҳрирдан ўтказиб, янги маълумотлар билан бойитиб, 2010 йили “Асарлар” тўпламининг етинчи жилди биринчи китобида қайта нашр эттирди. Бу ҳол, ўз навбатида, Азиз Қаюмов илмий лабораториясининг муҳим бир хусусияти – олимнинг ўз устида мунтазам ишлаганидан, илмий асарларини уларда таҳлил этилган масалалар юзасидан аниқланган янги маълумотлар билан муттасил бойитиб, таҳрир қилиб, мукаммаллаштириб борганидан далолат беради. Масалан, монографиянинг икки нашридаги тафовутларни қуйидаги тасниф асосида ўрганиш мумкин: 1) янги адабий номлар; 2) ижодкорлар биографияси, асарлари таҳлиliga доир аввалги нашрдаги маълумотларнинг бойитилиши; 3) илмий таҳрир.

“Кўкон адабий муҳити” монографиясининг янги нашрида мазкур муҳитда етишиб чиққан бир қанча шоиру адиблар адабий меросига доир маълумотлар илмий муомалага олиб кирилган. Жумладан, Низомий Хўқандий, Жалолий, Азимий, Утожий, Равнақ, Садоий, Шўхий, Амирий, Вазир, Нозик, Маъдан, Хон сингари ижодкорлар таржимаи ҳоли, асарлари ҳақидаги таҳлилий фикрлар янги нашрнинг илмий қимматини оширган. Бунинг учун олим Фазлийнинг “Мажмуа шоирон”, Пўлатжон Қайюмовнинг “Тазкираи Қайюмий”, Муҳаммад Аминнинг “Тухфат ут-таворих”, Иброҳим Давроннинг “Ашъори нисвон” сингари ёдномаларига таянади.

²⁹ Қаюмов А. Кўкон адабий муҳити (XVIII-XIX асрлар). –Т.: Ўзфанакаднашр, 1961; шу муаллиф. Кўкон адабий муҳити. Асарлар. VII жилд. – Т.: Мумтоз сўз, 2010; шу муаллиф. Кўкон адабий муҳити . Асарлар. VII жилд, 2-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2012; Абдуғафуров А. Зокиржон Фуркат. Т.: Фан, 1977; Юсупов Ш. Фуркат йўлларида. Т.: Адабиёт ва санъат, 1984; шу муаллиф. Худоёрхон ва Фуркат. – Т.: Шарқ, 1995; шу муаллиф. Тарих уммони сирлари. – Т.: Шарқ, 2007.

³⁰ Юсупов Ш. Фуркат ва ўзбек маърифатпарварлик адабиётининг янги босқичи. Филол. фан д-ри... дисс. – Тошкент, 1990. – Б. 399; Жабборов Н. Фуркатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филол. фан д-ри... дисс. – Тошкент, 2004. – Б. 280; Пардаев Қ. Муқимий шеърятининг матн тарихи, таҳрири ва талқини. Филол. фан д-ри... дисс. – Тошкент, 2020. – Б. 223.

³¹ Қаюмов А. Кўкон адабий муҳити (XVIII-XIX). Филол. фан д-ри... дисс. – Тошкент, 1961. – Б.563

³² Қобилова З. Муҳаббат мамлакатининг амири. /Амирий Девон Т. I – Тошкент: Tamaddun, 2017. – Б.5

Монографиянинг дастлабки нашрида Қўқон адабий муҳити шоирлари синфий қараш асосида: 1) феодал-клерикал адабиёт ва унинг вакиллари; 2) демократик йўналишдаги адабиёт тарзида икки гуруҳга бўлиб тадқиқ қилинган. Бир муҳит намояндаларини сунъий равишда бундай гуруҳлаштириш тадқиқот иши учун мувофиқ эмаслигини ҳис этган олим монографияни илмий талаблар асосида таҳрир қилди. Янги нашрда синфий ёндашув ўрнини адабий-эстетик тамойиллардан келиб чиққан холис илмий талқинлар эгаллади. Бундан ташқари, монографиянинг шўролар давридаги нашрида XVIII-XIX асрларда Қўқон хонлигидаги сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаёт тўғрисида батафсил тўхталинган, китобнинг бу бобида коммунистик мафкура талаблари асосидаги ёндашув етакчилик қилган эди. Янги нашрда ушбу боб жиддий илмий таҳрирдан ўтган. Тарихий шароитга доир фикрлар мухтасар ҳолга келтирилиб, асосий урғу адабий муҳит шаклланиши масалаларига қаратилган.

Азиз Қаюмов томонидан алоҳида монография ёзилган, олим илмий мактабининг давомчилари томонидан алоҳида шоиру адиблар адабий мероси юзасидан жиддий тадқиқотлар яратилган бўлишига қарамай, Қўқон адабий муҳити бўйича ўрганилиши кун тартибда турган илмий муаммолар мавжуд эканини таъкидлаш керак. Бу илмий муаммолар, бизнингча, қуйидагилардир:

- мазкур адабий муҳитга оид манбаларнинг илмий-монографик ва қиёсий таҳлили;

- Қўқон адабий муҳити намояндалари асарларининг илмий-танқидий матнини яратиш;

- илмий-танқидий матнларга асосланган нашрларни амалга ошириш.

Маълумки, Қўқон адабий муҳити намояндаларининг асарлари бизга турли манбалар орқали етиб келган. Азиз Қаюмов монографияси тадқиқи асосида манбаларни қуйидаги тарзда илмий тасниф этиш мумкин: назмий девонлар; тазкиралар; баёз ва мажмуалар; тарихий-бадиий асарлар; даврий матбуот нашрлари. Бу адабий муҳит вакилларининг аксари соҳиби девон шоирлар бўлган. Жумладан, Амирий, Нодира, Увайсий, Ҳозик, Ғозий сингари шоирлар девонлари бизгача етиб келган. Бу девонларга доир олим тадқиқотлари адабиётшунос Зебо Қобилова томонидан давом эттирилди. Олима Амирий шеърляти бўйича номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди³³. Шоир девонини икки жилд ҳолида нашрдан чиқаришда фаоллик кўрсатди³⁴. Азиз Қаюмовнинг аниқлашича, Қўқон адабий муҳитига оид энг ишончли манбалардан бири Фазлийнинг “Мажмуаи шоирон” тазкираси экани маълум. Тазкира тўрт қисмдан таркиб топган: 1) ҳамд ва наът; 2) шоирлар ҳақидаги қисқача, лекин муҳим маълумотлар; 3) Амир Умархонга бағишланган касидалар; 4) Амирий ғазалларига битилган пайравлар.

Азиз Қаюмов Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти фондида 659, 1325, 1429, 1821, 4179, 4182, 5666, 5736, 6352, 7512, 7710, 9072, 9309, 9940,

³³ Қобилова З. Амирий ва унинг адабий фаолияти. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2007. – Б.126.

³⁴ Амирий Девон (Нашрга тайёрловчилар: А.Мадаминов, Э.Очилов, З.Қобилова, О.Давлатов). Т. I-II. – Тошкент: Tamaddun, 2017.

9966, 10072 рақамлари билан сақланаётган қўлёзма баёз ва мажмуалар юзасидан ҳам жиддий тадқиқотлар олиб борди. Уларга кирган шеърӣ асарлар матнидаги тафовутларни аниқлади, чуқур тадқиқ қилди.

Бобнинг “Қўқон адабий муҳитини ўрганишда янги илмий изланишларнинг ўрни” деб номланган иккинчи фаслида Азиз Қаюмов “Асарлар” ўн жилдлиги еттинчи жилдининг иккинчи китобига жамланган тадқиқотлар таҳлилга тортилган. Мазкур жилддан олимнинг Қўқон адабий муҳити вакилларида Мутрибнинг “Шоҳномаи девона Мутриб” ва Андалибнинг “Шоҳномаи девона Андалиб” достонлари ҳамда Ҳозиқ, Шавқӣ, Мажзуб, Вола сингари шоирлар, Дилшод Барнонинг тарбиясида етишган Ҳадябиби, Файзибиби, Муслимбиби каби шоирлар адабий меросига доир тадқиқотлари ўрин олган. Ушбу тадқиқотлар, биринчидан, шу пайтгача ўрганилмаган мавзуларга бағишлангани, иккинчидан, адабиётшуносликка янги номларни, кўплаб янги факт ва маълумотларни, янги талқинларни олиб киргани билан қимматлидир.

Олим тадқиқотларини мунтазам ривожлантириб, такомиллаштириб борган. Муттасил равишда янгидан-янги мавзуларда илмий изланишлар қилиб, янги илмий маълумотларни, адабий мероси ўрганилмай келган шоиру адиблар асарларини юзага чиқарган. XIX аср биринчи ярмидаги ўзбек ва тожик адабиётининг йирик арбобларидан Жунайдуллоҳ Ислошайх ўғли Ҳозиқ шеърӣяти биринчи бўлиб Азиз Қаюмов томонидан ўрганилгани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Ҳозиқ шеърӣятини олим қуйидаги манбалар орқали ўрганиш мумкинлигини аниқлайди: 1) шоир девонлари; 2) тазкиралар; 3) антологиялар.

“Қўқон адабий муҳити” монографияси иккинчи китобида ижоди биринчи марта ўрганилган шоирлардан яна бири Мулла Шамси Шавқӣ Намангоний (1805-1889)дир. Олим Шавқӣнинг “Жомеъ ул-ҳаводис”, “Панднома”, “Қўқон воқеаси тарихи” сингари асарлар муаллифи эканини аниқлаб, “Пандномаи Худоёрхон” асарини анча батафсил таҳлил этган.

